

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-мартда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 3 859,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2017 йилнинг январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 103,2 фоизга тенг бўлди.

2018 йил январь-март ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 157,0 фоизни ташкил қилди.

Январь-март ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд.сўм		2017 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
	2017 йил	2018 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	2 381,1	3 859,9	103,2
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2 282,5	3 717,7	103,2
Маҳсулотларга соф солиқлар	98,6	142,2	103,0
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	2 282,5	3 717,7	103,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	167,3	241,4	103,2
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1 498,1	2 725,2	101,3
саноат	1 376,2	2 568,9	100,3
қурилиш	121,9	156,4	112,0
Хизматлар	617,1	751,1	108,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	174,8	212,1	100,8
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	110,8	130,2	113,0
бошқа хизматлари	331,5	408,8	110,3

Январь-мартда ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда)



2018 йилнинг январь-март ойларида вилоятнинг ялпи худудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (113,0%), бошқа соҳа хизматлари (110,3%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги хизматлари (103,2%), тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 21,0 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2017 йил январь-мартга нисбатан 6,8 фоизли бандга камайди.

2018 йил январь-мартда ялпи худудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 20,2 фоиз (2017 йил январь-мартда 27,1 фоиз)ни ташкил қилди.